

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.13+659.87(575.1)

МАМАЕВ БАХОДИРЖОН НОСИРОВИЧ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БОЗОРЛАРИДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисод фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

**Иқтисод фанлари доктори,
профессор А.Ш.Бекмуродов**

ТОШКЕНТ - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БОЗОРЛАРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ўзбекистонда озиқ-овқат товарлари бозорининг шаклланиши ва унинг ривожланиш муаммолари.....	12
1.2. Маркетинг тадқиқотларининг замонавий усуллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари таҳлилида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	27
1.3. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг хорижий тажрибаси.....	44
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Озиқ-овқат товарлари истеъмолига маркетинг нуқтаи-назаридан ёндашув.....	63
2.2. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари таҳлили.....	80
2.3. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш технологиясини таҳлили.....	92
3 - БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
3.1. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг такомиллаштириш услугиёти	107
3.2. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш технологиясини такомиллаштириш.....	119
3.3. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида уй хўжаликларида рўй бераётган даромад ўзгаришининг озиқ-овқат товарлари истеъмолига бўлган таъсири ва унинг барқарорлигини таъминлаш муаммолари.....	122
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	138
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	142
ИЛОВАЛАР.....	154

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда пухта ўйланган режага мувофиқ демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш, модернизация қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан саналмиш озиқ-овқат саноатини модернизациялаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда, хусусан, озиқ-овқат саноатини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, маънавий жиҳатдан янгिलाш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бу борада қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: «Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом-ашё базаси яратилмоқда»¹. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда чорвачилик соҳасининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этган ҳолда, 2010 йилда гўшт етиштириш 106,2 фоизга, сут ишлаб чиқариш 106,5 фоизга оширилди. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маркетинг хизматларини шакллантириш ва улар

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январь.